

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎҚУВЧИ ЁШЛАР УЧУН ЖИСМОНИЙ  
МАДАНИЯТ ВА ОЛИМПИЯ ТАЪЛИМИДАН  
МАШГУЛОТ ШАКЛЛАРИ  
услубий қўлланма



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎҚУВЧИ ЁШЛАР УЧУН ЖИСМОНИЙ  
МАДАНИЯТ ВА ОЛИМПИЯ ТАЪЛИМИДАН  
МАШГУЛОТ ШАКЛЛАРИ

услубий кўллаима



НАМАНГАН-2017

**Муаллифлар жамоаси:**

*п.ф.н., доц. Бойбобоев Б  
кат.ўқт. Муллабаева М  
магистр Мамажонов Д  
НамКИ ўқт. Ниёзматов Э*

Ушбу услугбий қўлланма Вазирлик тизимида бажарилиши 2017-2018 ийлларга мўлжалланган 2017-1-14/3 инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурлари доирасида тайёрланди.

Услубий қўлланмада жисмоний маданият машгулотлари ва олимпия таълимининг шакли ва методлари ҳақида манбалар берилган.

Ўкувчи – ёшларни хар-томонлама баркамол тарбиялашда жисмоний маданият машгулотларнинг шакллари мактабда, мактабдан ташкири муассасаларда, оиласда ташкил этилиши, олимпия таълими бўйича илгор тажрибалар чет эл мамлакатларида ташкил этилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Ушбу услугбий қўлланма жисмоний маданият ва спорт, олимпизм ихлосмандлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийлар, олий таълим муассасаларининг жисмоний маданият магистратура мутахассисликлари, жисмоний маданият ва спорт фаoliyati бакалавр йўналишлари учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:**

*п.ф.н., доц. Исмоилов Т. НамДУ  
п.ф.н., доц. Негматов Х. НамМТИ*

Услубий қўлланма Наманган давлат университети ўкув - услугбий кенгашининг 2017 йил .... ноябр -сонли йигилиш қарори билан нашр этиш учун тавсия этилди.

## КИРИШ

Бизнинг мамлакатимизда соглом авлодни тарбиялаш, улкан қадриятдир. Инсонни бахтли яшаши, ўкиши, меҳнат килиши учун хамма шароитлар яратилмоқда.

Республикамизнинг Биринчи Президенти И.А Каримов айтганидек “Ўзининг саломатлиги ҳакида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшлиқдан, оила, мактаб, маҳалла, соглигини сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак. Шуниси муҳимки одамлар сўзда эмас, балки, амалда ўз саломатлигини қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб асрасинлар”<sup>1</sup>.

Халқимизда “Соф танда соглом акл” деб бежизга айтилмаган. Организмнинг физиологик тизимларининг яхши ривожланганлиги жисмоний сифатларни юкори даражада такомиллашиши билан боғлиқ. Бу жараёнда харакат кобилятлари ва жисмоний сифатларни тарбиялаш билан, тана шаклини табиий нормал ривожланишини таъминлайди.

Фарзандлари соглом, билимли ва фидоий бўлган миллат, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади, шунинг учун жисмоний тарбия ва спортнинг оммовийлигини таъминлаш, уни ривожлантириш баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим шартидир.<sup>2</sup>

Хар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда хеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir.<sup>3</sup>

Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъуллига хам болаларнинг кейинги хаётида муҳим ўрин тутади. Болаларни қизиқишиларини кузатиш, уларга караб бола учун керакли билимларни шакллантиришга эътибор қаратиш келажакда ўз йўлини танлаш хамда танлаган йўли, яъни, касби бўйича керакли зарур билим ва малакага эга бўлиб боришда зарур хисобланади.

<sup>1</sup> Каримов И. А. “Ўзбекистон буюк келажак сарни” Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998.

<sup>2</sup> Ахматов М. А. “Ўзбекистонда жисмоний интеллигент - ресурс тушунчалигини шакллантириш асослари” //Фан спорта. Тошкент. 3/2016. 29-336.

<sup>3</sup> Каримов И. А. “Юксак маънавият ёнгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”, 2008.

Мамлакатимизда амалга оширирилаётган ўзгаришлар ўз натижасини бериб келмокда. Шулар каторида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугуланиш даражаси ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда соглом ҳаёт тарзини оммовий равишда ахолига спорт оркали сингдириш айнан баркамол авлодни вояга етказиши ишларининг узвий ва ажралмас кисми деб эътироф этилди.<sup>4</sup>

Жисмоний машқ машгулотлари жараёнида тана тузилишининг камчиликлари тартибга солинади, қомат тўғри тарбияланади, тана мушак массаси ва тана кисмлари баркарор ривожланади, гавданинг оптимал холати сакланади, тана гўзаллиги таъминланади.

Инсонни жисмоний сифатларини ҳар-томонлама ривожланиши мухим бўлиб, уларнинг ҳар қандай шароитларда, меҳнат жараёнида турили хил фаолиятларда, кутилмаган холатларда, харакат фаолиятларидан фойдаланиш катта имкониятга эга.

Инсонни жисмоний ривожланишини яхшилаш, руҳий-ахлокий сифатлари билан бирга, жисмоний кобилятларини тарбиялаб, ҳар-томонлама баркамол, жамиятда фаол, самарали меҳнат килишга ва бошқа фаолиятларга тайёр шахсни тарбиялашда жисмоний маданият мухим ўрин тутади. Жисмоний маданият ва олимпия таълими бунга бевосита кўмаклашади.

Жисмоний маданият ва олимпия таълими ҳақида маҳсус билимлар билан ўкувчиларни куроллантириш, уларни мунтазам равишда тўлдириб, чукурлаштириб бориш таълимнинг асосий вазифаларидан бири хисобланади.

Инсонларни жисмоний маданият ва олимпия таълими ҳақида билимларини ошириб бориш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, ҳаётда, ишлаб чиқаришда, соғлом турмуш тарзига амал килишда катта аҳамиятга эга.

Ахолини кенг қатламини жисмоний маданият ва спортга жалб қилиш, олимпия таълими, қадриятлари, принципларини ташвиқот ва тарғибот килиш асосий вазифа бўлиб, бундай вазифаларни амалга оширишда жисмоний

<sup>4</sup> Касосева Т.В. "Ресурс здоровья в функционировании человеческого капитала" Автореферат. 2007.

маданият машгүолтлари шакллари, олимпиа таълими шакли ва усуллари мухим аҳамият касб этади.

### **Ўқувчиларини жисмоний тарбиялашнинг аҳамияти**

Жисмоний тарбиялашни аҳамяти комил инсонни мактабдан ўқувчилик давридан хар томонлама жисмоний ривожланишида соғлигини мустахкамлашда харакат кўникма ва малакаларини шаклланишида фундамент яратилади. Бу ўсиб келаётган шахсни “баркамол” шаклланишида хизмат килади. Ёш авлодни тўлақонли тарбиялаш учун мактабдаги жисмоний тарбия машгүолтларида эришиб бўлмайди. Харакат фаоллигини етишмаслиги ўсиб келаётган ёш авлодни соғлигини заинфлаштиради, организмни химоя кучларини заинфлаштиради, тўлақонли жисмоний ривожлаишни таъминламайди. Ўқувчилар организмини тарбия ривожланишида мактаб даври катта аҳамиятга эга. Асосий жисмоний сифатларни ва функционал имкониятларни мактаб ёшда самарали амалга оширилади. Бу давр жисмоний сифатларни ривожланишида сенситив давр деб юритилади. Давр ўтиши билан жисмоний сифатларни ривожлантириш мураккаблашади. Мактабда ўқувчилик даври турли туман харакат кўникма ва малакаларни эгаллашда шароитдаги тез кейинчалик эгаллаган харакат кўникма ва малакаларини бажаришга турли хил шароитда тез мослашишда аҳамияти катта. Давлат таълим стандартлари талабалари ўкув дастури материалларни назарий фанларни ва жисмоний тарбия ўкув дастурини эгаллаб, мактаб ёшда ўқувчилар маълум даражада жисмоний ва аклий ривожланишга эришилади.

Соглом турмуш тарзини окилона ташкил қилиш, жисмоний тарбия восита ва шакллари зарарли одатларини олдини олиш самарали восита бўлиб хизмат килади. Организмни жадал ривожланиши даврида жисмоний фаоллик умум педагогик вазифаларни ечишда ёрдам беради (аклий, ахлокий, меҳнат эстетикани амалга оширишда катта аҳамиятга эга). Мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялашнинг аҳамияти хартомонлама жисмоний ривожланган соглом, меҳнатга кобилятли, фукаролик бурчини тўлақонли бажарадиган инсонларга эҳтиёжи билан шартланади.

Ўқувчиларни кундалик фаолиятида жисмоний тарбиянинг ахамиятини қўйидагич шартлари бор.

Биринчидан ўқув мөхиятини жадаллашиши, ўқув фанларининг мазмунини илмий назарий даражаси ошиши билан; ўқитишнинг фаол усулларини кенг кўлланилиши, синфдан синфга кўчиш имтихонлари.

Иккинчидан ўқувчиларни дарсдан ташқари пайтларида харакат фаоллигини тиқлайдиган синфдаги тарбиявий тадбирлар, бадий ва техник тўгаракларда банд бўлиш, телевизорлар кўриш, компьютер ўйинлари, интернет тармоғи билан банд бўлиш.

Учинчидан майший хизматда эришилган ютуклар бунда фаолият шарти ва харектири ўқувчиларни кам харакат килишига сабаб бўлади. Организмни харакатга бўлган эҳтиёжи ягона воситаси харакат фаолигидир. Турмушда майший кулайликлар ва йутуклармушак гурухларида статик зўриқишиларга, кади-коматни тўғри шаклланишига, ақлий ва жисмоний ривожланишларга, чарчашига, рухий зўриқишиларга олиб келади. Юкоридаги омиллар харакат фаолиятини оширилмаслиги болаларни жисмоний ривожланишини ва тайёргарлигига салбий таъсир этади.

Организмни рухий физиологик жихатдан тиклениши учун радикал восита бўлиб жисмоний машклар турли шакл ва воситаларидан кенг фойдаланиш, ўқувчининг умумий ва кундалик турмуш тарзини қулай холатга келтириш зарур. Мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялашда тўлаконли амалга оширишда инсонни кейинг хәётида жисмоний такомиллашишида база яратади. Жисмоний машклар билан ташкилий равишда гурухда, жамоада, тўгаракларда ва турли хил мактабдан ташқари муассасаларида (БЎСМ) шуғилланиш болаларни соглом турмуш тарзини ташкил этиш бўш вактини унумли ташкил этиш ,мухим восита хисобланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув тарбия ишларини таркибий қисмида жисмоний тарбиянинг ўрни катта бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама жисмоний, ақлий, ахлокий, эстетик тарбиялашни таъминлайди.

## **Ўкувчиларниң жисмоний тарбиялашда машғулот шакллари**

Жисмоний машқлар билан шугулланишда, машғулот шакллари, ўкув тарбия жараёнини ташкил этишни усуллари тушунилади. Дарс шартларига мос холда мураббий ва шугулланувчиликтар йўтасида машғулотнинг хар бир шаклида ўзаро алоқа мавжуд.

Жисмоний тарбиянинг вазифаларини самарали амалга оширишда таълим муассасаси педагогика жамоаси, мактабдан ташкари муассаса, ота оналар ҳамкорлиги йўлга кўйилади.

Ҳамкорлик ишлари ташкил этилиб, кенг оммани жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши камраб олинади.

Хар бир машғулот шаклига кўра ягона мақсадга йўналтирилган бўлиб ўз вазифаси ва ташкилий асосига эга.

Махсус ташкил этилган машғулотларда жисмоний тарбия вазифалари амалга оширилади.

Хозирги узлуксиз таълим тизимида машғулот шакллари турли туманлиги билан афзалдир.

Организмни харакатга бўлган эхтиёжини тъминлаш учун жисмоний машқлар билан шугулланиш вактини кўпайтириш ва бир қатор услубий манбаълар орқали амалга ошириш мумкин.

Тахминларга кўра машғулотларнинг хамма шаклларини таълим муассасаларидан ташкарида, оиласда ташкил этиш, хусусияти ва шартлари ёш авлодни жисмоний тарбиялашни ташкил этишда комплекс ёндошишда бирон бир тармогига амал килмаса тарбия жараёнини узлуксизлигини ва жисмоний тарбиянинг вазифаларини амалга оширишда самарадорлигини тъминламайди.

Машғулотни харқандай шакли умумий ва махсус вазифаларни хал килади.

Жисмоний тарбия машғулотлари бошқариш шартига кўра иккига бўлинади:

Дарс шакли: — бу машғулот ўқитувчи (мураббий) билан шугулланувчиликтарнинг доимий таркиби билан олиб борилади.

1). Жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчи давлат таълим стандартлари асосида таълим муассасаларида жисмоний тарбия мажбурий фан сифатида ўтилади.

2). Спорт тренировка машғулотлари мураббийлар томонидан шугулланувчиларни танлаган спорт тури бўйича такомиллаштириш учун ўтилади.

Таълим тарбия бериш ва ташкил этиш хусусиятига ва раҳбарлик усулига кўра машғулот дарс ва дарсдан ташкари шаклларда амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида машғулотларнинг хамма шакллари икки гурухга бўлинган.

- Ўкув таълим жараёни дарсларда амалга оширилади.

- Дарсдан ташкари машғулотлар тарбия жараёнига комплекс таъсир этади.

Жисмоний тарбия дарслари мактаб ўқувчиларининг ўкув тарбия жараёнида жисмоний тарбиялашнинг асосий шакли ҳисобланади. Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия ўкув фани ўкув режага киритилган, фаннинг мазмуни давлат таълим стандартлари ўкув дастурида берилган, дастур материаллари дарс жараёнида амалга оширилади. Асосий вазифа ўқувчиларни хар томонлама баркамол ривожлантириш, хаётга меҳнатга ва ватан химоясига тайёрлаш.

Жисмоний маданият дарслари, машғулотларнинг бошқа шаклларига нисбатан бир катор афзаликларга эга:

— Ўқувчилар учун мунтазам оммовий ташкил этилган мажбурий шакл ҳисобланади.

— Илмий асосланган ДТС асосида бутун таълим жараёни хисобга олинган

— Ўқувчиларнинг ёши, жинси индивидуал хусусиятлари хисобга олинган холда педагог раҳбарлигига амалга оширилади.

— Ўқувчиларни жисмоний қобиляти, спорт натижалари, тиббий гурухларга бўлинишидан қатъий назар “баркамол авлодни” тарбиялашга йўналтирилган.

— Ўкувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожланиши, жисмоний холатини яхшиланишига йўналтирилган.

Жисмоний тарбия дарслари ўкувчилар учун мажбурий бўлиб, соглик холатига қараб гуруҳда асосий, тайёрлов ва маҳсус тиббий гуруҳга ажратиласди.

Асосий гуруҳда соғлом болалар шугулланадилар, жисмоний ривожланишдан ортда қолаётган, суст, маълум касалликлардан сўнг тайёрлов гурухларнда, соглигида камчилик бўлган болалар маҳсус тиббий гурухларда шугулланадилар.

Жисмоний тарбия дарслари мазмуни ўкувчилар учун маълум мажмууда бериладиган машклар тушунилади.

Ўтилган дарслар тахлини кўрсаткичига режалаштирилган машкларни бошқариш жараёни билан шугулланувчиларнинг хилма хил фаолиятини боғликлиги белгиланган вазифага эришиш учун жуда муҳим.

Бу жараён ўқитувчини эшитиш, кўрсатиylган машкни кузатиш ва тасаввур килиш, килинган тасаввурни фикрлаш, машкни ўз харакатида лойихалаш ва бажариб кўриш, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш. Дарсда пайдо бўлган саволларни ўртоқлари ва ўқитувчиси билан муҳокама қилиши, дарсда кайфиятни ва бошқа холатларни бошқариш.

Ўз навбатида ўкувчиларнинг бу фаолияти дарснинг бош мазмуни колмайди, унга нисбатан фаолият кўрсатади. Дарсга вазифа қўйишдан бошланади, қўйилган вазифани ечиш учун шароит яратади.

Ўқитувчи ўкувчилар фаолиятини кузатади, улар фаолиятини муофиқлаштиради баҳолайди, нагрискаларни меъёрлайди, дарсдаги тартиб интизомни саклайди, ўкувчилар ўртасидаги муносабатни тартибга солиди. Педагогнинг бундай кўп киррали фаолияти, шугулланувчиларни фаолиятини аниклаш ва юксалтиришлар тадбирлар дарснинг қисмларга бўлишни ташкил килади.

Ўқитувчи томонидан ўкувчилар фаолиятини юксалтиришнинг натижаси шугулланувчиларни жисмоний ва руҳий холатидаги ўзгаришларда билишида, кўнинка ва малакаларда ўзини тутишда кўринади. Бу ички жараёнлар ва

ўзгаришлар, жисмоний машкларни ташкилий бошқаришлар жисмоний тарбия дарсларининг мазмунини бир томонини белгилайди.

Шундай килиб жисмоний тарбия дарсларининг мазмуни кўп кирралидир у машкларнинг маълум меъёрда тўпламидан ўкувчилар фаолиятидан ўқитувчи иши ва натижаси бу йўлда кўринади.

Жихозларни тарқатиш ва йигиб олиш ўкув машкларини бажариш жойида раҳбарлик ўзоро назоратни ташкил килиш, кузатиш ва ўзлаштиришни баҳолаш. Дарсга якун ясаш ва уйга вазифа берниш. Ўқитувчи фаолиятида хар бир элементларни амалга ошириш билан соғломлаштириш вазифаларини хал килиш билан бирга ўкувчи шахсига тарбиявий таъсир этади.

Ўкувчиларни билим олиш фаолияти дидактик вазифаларни фикрлаш ва тасаввур килиш, навбатдаги дарс вазифасини амалга оширишда фикран тузиш ва ёчиш.

Ўқитувчи кўрсатмасига асосан ўкув топширикларини бажаришда ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини билиш фаолиятини бошқариш.

Ўкув тарбия жараёнини натижасини кўрсатиш дарс сифати хисобланади.

Дарс мазмуни ўқитувчи томонидан режалаштирилади лекин ўкувчилар билан ишлаш жараёнида дарс давомида содир бўладиган хамма деталларни хам кўравермайди. Шунинг учун амалиётда лойихалаштирилган дарс мазмуни ўтиш жараёнида вазиятга қараб фарқ килади. Дарс мазмуни хаммаси хам режада белгиланганига тушавермайди. Бу шартларни ўқитувчи дарс ўтиш жараёнида хисобга олади.

Жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчи жисмоний тарбиянинг хамма вазифаларини хал килиш учун шароит яратади, ўкувчиларни мустакил ишлаш учун йўналтиради.

Дарс маълум даражада жисмоний тарбия дарсларининг бошқа шаклларини мазмунини аниклайди. Шунинг учун ўкувчиларни жисмоний тарбиялашда дарс асосий шакл бўлиб хисобланади.

Ўкув тарбия жараёни маълум тарбия воситалари, усувлари вазифаларини, кўшилиши ва ташкил килиниши ягона шаклда номоён бўлади.

Хар бир дарсда юкори самарадорликка эришиш дарс назарияси ва методикасини чукур билишга ёрдам беради.

Назарий жихатдан фикрлаш ўқитувчини жисмоний тарбиянинг хамма бойликларидан, шароитга мос холда таълим тарбиянинг кўп методларидан ўкувчиларининг харакат имкониятлари ва ўкув вазифаларидан фойдаланишга имкон беради.

Тарбиявий жараёнга комплекс ёндошишда дарсдан ташкари машгулотлар ташкил этилади.

Ўз навбатида машгулотларнинг дарс ва дарсдан ташкари шакллари машгулотнинг ўтиш жойи, таркиби, вакти, шуғулланувчилар контингенти, машгулот мазмуни ва бошка омилларга асосланиб янада кичик гурухларга ажратилади.

Кун тартибидаги согломлаштириш тадбирлари машгулотгача бўлган гимнастика, катта танафусдаги ўйинлар ва жисмоний машқлар спорт согломлаштириш соатлари, куни узайтирилган гурухларда жисмоний тарбия дақиқалари.

Жисмоний тарбия ва согломлаштириш тадбирларини ўтказиш жараённида куйидаги вазифалар хал этилади:

- ўкув кун тартиби давомида ўкувчиларни харакат фаолигини ошириш ва уларнинг кун тартибини тўғри ташкил этишга ўргатиш.
- ўкув фаолиятида оптималь иш кобилятини саклаш, харакат маданиятини шакллантириш ва соғликни мустахкамлаш.
- Ўкувчиларни харакат тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишига қўмаклашиш.
- Жисмоний машқлар билан мустакил шуғулланиш малакаларини эгаллаш.

Жисмоний тарбия ва согломлаштириш тадбирларига куйидагилар киради:

Машгулотгача бўлган гимнастика-унинг максади ўкув кун тартибини ташкилий бошлаш, қайфиятни кўтариш, биринчи дарсларда ўкувчилар иш кобилятини ошириш. Машгулотгача бўлган гимнастика очик хавода

ўтказилади. Об-хаво нокулай бўлганида пана жой, айвон ва хоналарда машгулотгача бўлган гимнастикани ташкил этилади. Умумий раҳбарликни жисмоний тарбия ўқитувчиси олнб боради. Унга фан ўқитувчилари ёрдам беради.

Жисмоний тарбия дақиқалари: унинг мақсади чарчокни ёзиш, аклий ва жисмоний меҳнат самарадорлигини ошириш, қоматни бузилишини огоҳ этиш. Жисмоний тарбия дақиқалари умумтаълим мактабларида чарчокнинг биринчи белгиси пайдо бўлиши билан (диккатни бузилиши, фаолликни пасайиши) ташкил этилади. Жисмоний тарбия дақиқаларини дарс ўтаётган ўқитувчи бошлаб беради.

Катта танаффусдаги ўйинлар ва жисмоний машклар - фаол дам олишнинг яхши воситаси хисобланади. Ўкув куни давомида ўқувчиларни иш қобилятини тиклаш ва соғлигини мустахкамлаш мақсадида ташкил этилади.

Катта танаффусдаги харакатли ўйинлар ва машкларни ташкил этишдаги мухим шарти аввалдан жойни тайёрлаш, жихозларни етарли даражада таъминлаш лозим. Хар бир ўйинда болалар катта кизиқиш ва ташаббус билан иштирок этади.

Куни узайтирилган гурухларда жисмоний тарбия машгулотлари: (спорт соатлари) қуйидаги вазифаларни хал этишга қаратилган.

- Соғликни мустахкамлаш;
- Ўқувчиларни организмини чиникитириш;
- Ақлий ва жисмоний иш қобилятини ошириш;
- Ўкув йили давомида баркарор иш фаолиятини саклаш;
- Ҳаракат, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- Жисмоний машклар билан мустакил шуғулланишни тарбиялаш ва шакллантириш.

Машгулотларни дарсдан ташкари шакли:

Дарсдан ташкари шакли : Бу машгулот мутахассислар билан ўтказилиб, ўқувчилар билан (мустакил) фаол дам олиш мақсадида, соғликни тиклаш ва мустахкамлаш, иш қобилятини ошириш ва саклаш, жисмоний сифатларни

ривожлантириш, харакат, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш максадида ўтказилади.

Жисмоний тарбия дарсларида жараёнида шаклланган кўникма ва малакалар иродавий, ахлокий, жисмоний сифатларни такомиллаштириш, эгалланган билимларни кенгайтириш шу асосда ўкув дастури материалларини мустахкам эгаллаш ва “Алломиш” ва “Барчиной” маҳсус тестлари мезонларини топширишга йўналтириш. Бўш вақтни фондали ўтказиш максадида ўзини жисмоний такомиллашиш ва соғломлашиш учун кундалик хаётда жисмоний тарбия воситаларидан мустакил шуғулланиш учун кўникма ва малакаларни шакллантирилади.

Спорт турини танлаш ёшига мос холда танлаган спорт туридан спорт тоифаларини натижаларига эришиш ва жисмоний тарбия фаолларини тайёрлашдан иборат бўлади.

Машгулотнинг дарсдан ташқари шакли кўнгиллилиги билан тавсифланади жисмоний тарбия бўйича ДТС ўкув дастурини амалга оширишда киритилган бўлса, ўкувчилар учун ушбу шакл мажбурий эмас. Шунинг учун синфдан ташқари шаклларни ташкил этишда ўкувчиларда кизикиш уйготиш зарур.

Дарсдан ташқари машгулотларда дарс жараёнида эгаллаган билим, кўникма малакалар мустахкамланади ва такомиллашади. Бу машгулотлар ўкувчиларни мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга одатлантириш ва кундалик турмуш тарзига сингдириш машгулотнинг хамма шакллари умумий мақсад ва вазифани бирлаштиради. Уларни хар бири умумий вазифаларни хал қилишга йўналтирилган бўлиб, маҳсус вазифаларни хал қиласи.

Дарсдан ташқари машғулотлар кўнгиллилик асосида ташкил этилади. Машгулотни ташкил этиш ва мазмуни мактаб шароити ўкувчиларни кизикишини хисобга олиб аникланади ва ўкувчиларга ўз хошишга кўра спорт турини танлаш имконияти берилади. Машгулотлар ўкувчиларни кенг жамоатчилик фаоллиги иштирокида жисмоний маданият жамоасига бирлашган

холда уларни фаолияти мактаб маъмурияти, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва педагоглар томонидан раҳбарлик ва назорат килинади.

Дарсдан ташкари машғулотлар жараёни катта услубий йўрикнома ва маслаҳат, тавсия характерда бўлиб, турли хилдаги синфдан ташкари ишларни ўтказишда жиддий ташаббускорлик номоён бўлишини кўллаб қувватлаш зарур.

Синфдан ташкари ишлар куйидагича ташкил этилади:

- Спорт турлари бўйича тўгараклар
- Умумий жисмоний тайёргарлик тўгараклари
- Ритмик ва атлетик гимнастика тўгараклари
- Мактаб оммовий спорт мусобақалари
- Туристик саёхатлар
- Жисмоний тарбия ва спорт байрамлари
- Олимпиада кунлари
- Соғломлаштириш кунлари
- Баркамол авлод спорт ўйинлари

Синфдан ташкари ишларнинг ахамияти катта ўқувчиларни соғлигини мустахкамлайди, харакат фаолиятини оширишга ёрдам беради.

Ўқувчиларни дам олишини фойдали ташкил этилади. Уларни ижтимоий фаоллиги ошади, спорт билан шуғулланишга бўлган қизиқиши шаклланади, жисмоний такомиллашишга бўлган индивидуал қизиқиши эҳтиёжи кондирилади.

### **Мактабдан ташкари муассасаларда жисмоний тарбия машғулотларини шакллари**

Мамлакатимизда турли мактабдан ташкари муассасалар фаолият кўрсатмокда. Бугунги кунда Республика изда 225 та болалар ўсмиirlар спорт мактаблари ва олимпия заҳиралари болалар спорт мактаблари мавжуд бўлиб уларда ўқувчилар ўқишдан бўш пайтларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмокдалар.

Ўкувчилар учун мактабдан ташкари спорт, согломлаштириш ва баркамол авлод болалар марказларида жисмоний тарбия ва спорт билан турли хил шаклларда ташкил этилмокда.

1. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ва олимпия захирадари спорт мактабларида мунтазам равишда шуғулланиш.
2. Баркамол авлод болалар марказларида машғулотлар.
3. Ёзги согломлаштириш оромгохларида жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари.
4. Маданият ва истироҳат боғлари ва ахолини маданий дам олиш марказларида жисмоний тарбия ва согломлаштириш тадбирлари
5. Махалла фукаролар йигинларида оммовий спорт тадбирлари ва мусобақалар.
6. Ташкилий равишда ўкув тренировка ва оммовий спорт тадбирлари ва саёхатлар.

Ўкувчиларни кизикишларини ошириш мақсадида мактабдан ташкари муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт бўйича юқори малакали мутахассислар ёрдамида, махсус жихозлар билан тъминланган шароитда кенг камровли машғулот шакли ва турлари ташкил этилади.

#### **Оилада жисмоний тарбия машғулотлари шакллари**

Оилада мактаб ўкувчилари учун жисмоний тарбия ва спорт машғулотларнинг кенг таркалган шакллари куйидагилар.

Эрталабки гигиеник гимнастика, жисомоний тарбия дақиқалари (уй вазифаларини бажариш вақтида), уй шароитида турли хил жисмоний машклар билан индивидуал шуғулланиш, согломлаштирувчи аэробика, дарсдан бўш пайтларда ва уй вазифаларини бажариб бўлгандан сўнг тоза ҳавода фаол дам олиш, сайдлар, велосипедда сайр, чўимилиш, юриш, хар-хил ўйинлар, отоналар билан турли хил ўйинлар ва конкурсларда иштирок этиш, дам олиш кунлари ва таътил вақтида оилавий саёхатлар, эрталабки гигиеник гимнастика, мустакил машғулотлар, уйкудан олдинги тадбирлар, чиникитирувчи тадбирлар.

Болаларни оилада жисмоний тарбиялашда ота-оналардан билим, тажриба, сабр ва бирга катнашиш талаб этилади. Ота-оналар болалари билан вақти-вакти билан соглом турмуш тарзи хақида сухбат килиши, оммовий спорт тадбирларида бирга катнашиш, болаларни жисмоний ривожланишини, қаддикоматини шаклланишини ва соглигини мунтазам кузатиб бориши зарур.

### **Олимпия таълимининг шакллари ва методлари**

Ҳозирги кунда болалар ва ёшларга олимпия таълимини бериш амалиётида, фаолият олиб боришнинг кенг доирадаги, турли-туман шакллари ва методлари кўлланиб келинмоқда.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида амалга ошириладиган мазкур педагогик фаолиятдаги марказий ўринни олимпиада ҳаракати, олимпия тимсоллари ва қадриятлари(масалан, Фейр Плэй(адолат рамзи)ни изохлаш ва тарғиб килиш эгаллайди.

Ушбу ахборот бериш ва тушунтириш ишлари, биринчи навбатда мактаблар, олий ўкув юртлари ва бошқа таълим муассасаларидаги ўкув жараённида, аввало бевосита жисмоний тарбия ва спорт соҳасига боғлик ўкув предметлари тизимида амалга оширилади. Бу ерда асосий эътибор, олимпиада мазусига оид баҳс ва мунозаралар ташкил этиш, ўтказиладиган сухбатлар жараённида юзага келадиган турли қарашлар ва ёндашувларни таҳлил килишга каратилади.

Россияда болалар ва ёшларнинг олимпия таълими олиш учун, маҳсус ташкил этиладиган куйидаги машғулотлар кенг оммалашган:

- “олимпиада дарслари”;
- “олимпиада билимлари дарслари”;
- “олимпизм дарслари”;
- “олимпиада соатлари” ва бошкалар.

Сўнгги йилларда олимпия таълимини ташкил этишнинг истиқболли шакли сифатида, янги техника ва технологияларни қўллашга асосланган масофавий таълим оммалашиб бормоқда.

Олимпизм гояларини таргиги килиш ва сингдиришда, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва тренерлар мухим ўринни эгаллайдилар.

Олимпия таълими ва ХOA бўйича ХОК комиссиясининг 1-симпозиуми (5-10 май 1995 йил) иштирокчилари бир овоздан шу хулосага келишган. Шунга кўра, ХOA ҳар йили жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва тренерлар учун, олимпия таълимини ташкил этиш методикаси бўйича маҳсус курслар ўтказади. Симпозиум ушбу курсларни миллий даражада, Миллий олимпия академияси танлаб олган олимпия таълими мутахассислари раҳбарлиги остида мактаблар ташкил этиш ва уларда ўтказишга тавсия беради. Шу билан бирга, ҳалкаро спорт федерациялари олимпия таълимига оид масалаларни ўз режаларига киритишлари ва ҳар бир федерация доирасида шугулланадиган кишиларни белгилашлари таъкидланади.

Кейинги йилларда болалар ва ёшларга олимпия таълими беришда нафакат жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, балки тренерлар, тиббиёт ходимлари, спорт мусобақаси ташкилотчилари, ҳакамлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам фаол иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Кўплаб олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, олимпия гояларини тушунтириш ва таргиги қилиш ишининг самарадорлигини ошириш учун, уни факат жисмоний тарбия ва спорт соҳасига алокадор ўкув машгулотларидағина эмас, балки бошқа ўкув соҳалари, айникса гуманитар, масалан, тарих, адабиёт, тасвирий санъат, жаҳон бадиий адабиёти, этика, эстетика, география, социология кабиларда ҳам ўтказиш мумкин.

Олимпия таълимига мана шундай фанлараро ёндашувнинг зарурлиги масаласига ХOA нинг 18-сессиясида (1979 йил) X.A.Самаранч ўз зътиборини қаратган эди. У ўзининг “Олимпизм жамиятнинг турли соҳаларида” номли маърузасида, факат жисмоний тарбия фани ўқитувчилари эмас, улар билан биргаликда география, математика, физика ва бошқа ўкув предмети ўқитувчилари ҳам ўкувчилар билан мулокотга киришишга тайёр бўлишлари, олимпиаданинг “спортча рух”ини, айникса “олимпиада ахлоқига мос келадиган

хулк намуналари”ни тушунтириб беришлари ва таргиб килишлари талаб этилади.

Россияда олимпия таълимини ташкил этишда ушбу ёндашувга катта аҳамият бериб келинмоқда. Ҳаммага маълумки, олимпия ташқарини ёйиш ва таргиб килишда ўқиши давридан эмас, ўқишдан ташқари вактлардан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Амалиётда ана шундай ишларнинг ранг-баранг шакллари синовдан ўтказилган:

- Олимпия куни;
- олимпиада рамзини тайёрлаш, фильмлар ва слайдлар намойиш этиш;
- олимпия харакатига оид расмлар ва фотолар танловини ўтказиш;
- спорт ва олимпиада мавзусига оид театрлашган саҳна кўринишлари тайёрлаш;
- деворга ишланган кўргазмалар, расмли витриналар ва “олимпия зали”;
- олимпиада мавзусига доир маърузалар, семинарлар, мунозаралар, конференциялар ҳамда викториналар ўтказиш, Олимпиада ўйинларига багишланган китоблар ва фильмларни мухокама қилиш;
- “Олимпия харакати билимдонлари” танлови;
- таникли спортчилар, Олимпиада ўйинлари иштирокчилари ва терма жамоа мураббийлари билан учрашувлар ўтказиш;
- Олимпия клублари ва музейлари ташкил этиш(мактаб, олий ўкув юрти, шаҳар ва ҳоказо);
- болалар ва ёшлар олимпия лагерлари базасида олимпия таълимини ташкил этиш;
- олимпия харакати муаммолари билан кизиқадиган бошка мамлакат ўкувчилари, талабалари ва спортчилари билан ёзишмалар ташкил этиш.

Энг оммалашган тадбирлардан бири, спорт ва олимпиада мавзузига доир расмлар ва иншолар танлови хисобланади. Анча олдин, 1972 йилда Германияда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида “Спорт менинг мамлакатимда” мавзуси остида, болалар ўртасида ҳалқаро расмлар танлови ташкил этилган. Танловга 67 та мамлакатдан 18 мингта ишланма жўнатилган. Саралаб олинган 700 та

расмлар ишланмаси маҳсус ташкил этилган кўргазмада иштирок этган. 1988 йилда Германия МОК мактаб ўкувчилари учун “Олимпиада ўйинлари – мен уларни қандай кўраман” мавзусида бадиий танлов ташкил этган. Ушбу танловда Германиядаги 776 та мактабдан 14425 нафар ўкувчилар(5-синфдан) иштирок этганлар. Шунга ўхшаш расмлар танлови Корея, Россия, Руминия Миллий олимпия қўмиталари томонидан ҳам ўtkазилган. АҚШ да 7-12 ёшли болалар ўртасида олимпия мавзусига оид иншолар танлови ташкил этилган.

Олимпиизм гояларини таргиги этишда олимпиада мавзусидаги адабиётларни чоп этиш муҳим роль ўйнайди.

Греция жисмоний тарбия кўмитаси бош инспектори Т.Каратассакис, Олимпиада ўйинлари голиблари ҳамда кадимги ва замонавий атлетларнинг хаётдаги, спорт мусобақаларидағи унтилмас жасоратларига багишланган насрый(прозаик) ва назмий(поэтик) асарлардан олинган матнлар ва эсселар ушбу мақсадга мос келади деб хисоблайди.

Болалар ва ёшларга олимпия таълими беришда факат адабиётларнинг ўзидангина эмас, слайдлар, фильмлар ва видеоматериаллардан ҳам кенг миқёсда фойдаланиш тавсия этилади. Эл Твитчеллнинг (АҚШ) хисоблашича, олимпия гоялари бўйича таълим беришда қуидагилардан фойдаланилади:

- Олимпиада ўйинлари тарихи;
- олимпия атлетларининг қийинчиликларни енгиги ўтишдаги курашларидан ёзиб олинган материаллар;
- Олимпиада иштирокчиларининг ҳиссий кечинмалари акс этган фильмлардан лавҳалар;
- спортчилар олдига қўйилган вазифалар, уларнинг тренировка машгулотлари тўгрисидаги, ҳамда оммавий аҳборот воситаларида олимпиада муаммоларининг ёритилиши бўйича ҳикоялар;
- инсон танасининг харакатланиш қонуниятлари, ракс санъати хақидаги фильмлар;
- мардлик, жасурлик, дадиллик, катъиятлилик, садоқатлилик ҳакида ҳикоялар.

Сүнгги йилларда мактаб ўкувчилари учун олимпия таълимини яна бир янги шакли, олимпиада мавзусидаги видеоконференциялар ўtkазилмокда.

Болалар ва ёшларга олимпия таълими бериш масадида олиб бориладиган ахборот берувчи, тушунтириш ишларидан билан бир қаторда амалий тадбирлар ҳам амалга оширилади. Бу аввало ўкувчиларнинг ўзлари тайёрлаган олимпиада рамзи остида спорт мусобақалари ташкил этиш ва олимпия таомиллари(олимпиада оловини ёкиш, олимпиада қасамёдини қабул килиш, олимпиада байргини кўтариш)га амал килишларини кўзда тутади.

Кўплаб мамлакатларда(айникса ёзги ва кишки Олимпиада ўйинларига боғлик тарзда) болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг “Кичик Олимпиада ўйинлари”, “Олимпиада миллари” ва шу каби олимпия мусобақалари ўтказилади, уларнинг айримлари халқаро мақомни олган. Хусусан, 1968 йилдан ўкувчиларнинг Халқаро спорт ўйинлари ўтказиб келинган, 1991 йилдан эса – ўсмирларнинг Европа олимпия кунлари. 1998 ва 2002 йилларда Москвада ўсмирларнинг бутунжоҳон спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

Австрия, Германия, Россия ва айрим бошка давлатларда, олимпия таълимини ташкил этишнинг дарсдан ташқари шакли, яъни Олимпиада кунларидан ҳам фойдаланиб келинади. Улар кўпроқ Олимпиада ўйинлари пайтида, унга боғлик ҳолда амалга оширилади. Айнан ўша кунлари мактаб ўкувчилари ўртасида Олимпиада руҳидаги спорт мусобақалари ўтказилади. Тадбир давомида улар спорт ўйинлари ва олимпиада ҳаракатига доир маърузалар тинглайдилар, ўзаро фикр алмашадилар.

Шундай қилиб, мактабларда олимпия таълимини ташкил этишнинг бир неча варианatlарини кўллаш мумкин:

- мактаб ўкув дастури асосидаги олимпия таълими;
- олимпия таълими бўйича кўшимча дарслар;
- олимпия таълимини предметларапо боғликлик орқали рўёбга чиқариш;
- олимпия таълимини синфдан ташқари иш олиб боришнинг турли усувлари ва шакллари орқали ташкил этиш.

Олимпия таълимини ташкил этиш учун, кўплаб мамлакатларда кино ва видеофильмларни кўшган ҳолда турли методик материаллар тайёрланган.

Олимпия таълимининг айрим дастурлари Олимпиада ўйинлари билан бевосита боғлик. Илк дастур 1976 йил Канадада ишлаб чиқилган. Кейинчалик шундай дастурлар АҚШ(1984) ва Германия(1988, 1992, 1994) Миллий олимпиада академиялари томонидан, Калгари(1988), Альбервилл(1992), Лиллехаммер(1994), Мельбурн(1996), Сиднейда(2000) Олимпиада ўйинлари Ташкилий қўмитаси буюртмасига асосан бир гурух педагоглар томонидан ишлаб чиқилган.

Россияда ҳам шундай дастур, 2014 йилда Сочида ўtkазилган кишки Олимпиада ўйинлари ўtkазилиши муносабати билан амалга оширилган.

Бир катор мамлакатларда болалар ва ёшларга олимпия таълими беришнинг комплекс дастурлари яратилган. 1993 йилда бир гурух Канадалик мутахассислар Диана Биндер раҳбарлиги остида XOA га, “Сен ва Олимпия ўйинлари” деб номланган, мактаб ўкувчиларига олимпия таълими бериш халқаро дастури лойиҳасини тақдим этади.

Дастур мактаб педагоглари олдига куйидаги вазифаларни кўяди:

- мактаб ўкувчиларининг ҳаракат фаоллигини оширишдаги оммавий иштирокини рағбатлантириш, уларнинг ҳар бирига жисмоний тайёргарлик ва жисмоний согломликнинг мақбул даражасини эгаллашларига кўмаклашиш;
- спортни тарбия воситаси сифатида кўллаш, биргаликдаги фаолият ва ҳамкорликнинг умумий максадга эришишдаги аҳамиятини таъкидлаш;
- “Фейр Плэй” ва “спорт рухияти” таълими;
- бадиий қобилиятларни тушуниш ва рағбатлантириш воситаси сифатида маданий алоқаларни кўллаб-куватлаш;
- ўзаро бир-бирини тушуниш ва сабр-токатни кувватлаш. Кўплаб мактабларнинг ўкув дастурига бошқа маданият намуналарининг киритилиши. Турли миллатлар маданиятини эътироф этиш ва ирқчиликдан воз кечиш;
- мукаммалликка эришишни рағбатлантириш, кўп ҳолларда асосий эътибор ўқишишдаги натижаларга қаратилади. Ҳозирги кунда эса боланинг ҳар

томонлама ривожланишини эътиборга олиш ва унга кўмаклашиш максадга мувофиқдир.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун таълимнинг куйидаги шакл ва усулларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Дастлаб, сухбат шаклидаги ахборот берувчи, тушунтириш ишлари олиб борилади, ушбу жараёнда кино ва видеоматериаллардан фойдаланилади. Мазкур ишни амалга оширишда ўқитувчилар учун методик материаллар тайёрланади, материаллар 5 та блокка(олимпиаданинг бешта халқасини назарда тутган ҳолда) таксимланади.

1. Қадимги Олимпия ўйинлари: Олимпия ўйинларининг тарихи, анъаналари, рамзлари ва маросимлари.

2. Замонавий Олимпия ўйинлари: замонавий Олимпиада ўйинлари тарихи ва фалсафаси; Пьер де Кубертен ва олимпия тимсоллари.

3. Олимпиада дунёси: дунё халкларини билиш. тушуниш ва баҳолашга кўмаклашувчи маълумотлар.

4. Олимпиада спорт турлари: а)спортнинг ёзги турлари; б)спорtnинг кишки турлари.

5. Спортчи-олимиячи: олимпиадада иштирок этган ва совринли ўринларни кўлга киритган таникли спортчилар ҳакида маълумотлар; олимпиадачи-спортчиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳакида фикр-мулоҳазалар. Мактабда кичик Олимпиада ўйинлари, Олимпия кунлари каби спорт тадбирлари сценарийсини тузиш ва ўтказиш.

Россияда болалар ва ёшларга олимпия таълими беришнинг спарт дастури 1990 йилда ишлаб чиқилди ва 1991 йилдан деярли амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Мазкур дастур маълумот бериш, тушунтириш ишларини олиб боришдан ташқари таълим беришнинг инновацион шакллари ва методларини ҳам кўзда тутади: спорт ва санъатни уйгунлаштиришга асосланган Спарта ўйинларини ташкил этиш, Спарта клублари ва мактабларини очиш, юксак ахлоқий сифатлари учун маҳсус мукофотлар топшириш, шахсни баркамол килиб вояга етказиш.

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритгандан сўнг 1993 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси максадлари олимпизм, олимпия ҳаракати ва Олимпия ўйинларининг инсонпарвар кадриятлари тамоиллари ва фояларини ўрганиш, тарқатиш, оммалаштириш ҳамда ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олимпия академиясининг долзарб вазифаси мамлакатимиизда олимпия таълимотининг ташкилий ва илмий-усулий асосларини яратиш, минтақавий Олимпия академиялари билан алоказалар ўрнатиш хисобланади.

Олимпизм ва олимпия ҳаракатини ташвикот ва тарғибот килишни янги шаклларига эхтиёж сезилмоқда. Олимпия музейлари мана шундай ташкилий шакллардан бири бўлиб, уларнинг биринчиси 1993 йил 23 июнда X.А.Самаранч ташаббуси билан Лозаннада (Швейцария) ташкил килинди. 1995 йилда жамоатчилик томонидан юксак даражада тан олинди ва Европада йилнинг энг яхши музейи совринига эга бўлди.

Лозаннадаги Олимпия музейи олимпия ҳаракати тарихининг асосий маркази хисобланади. Шу билан бирга олимпия музейи ҳалқаро олимпия ҳаракати ўтмиши ва ҳозирги даврини бирлаштирувчи самарали аҳборот ҳамда тарғибот марказидир.

Музейда турли ёшдаги ташриф буюрувчилар учун ажойиб шароитлар яратилган. Санъат, айникиса, бадиий кўргазмаларни ташкил килишга катта зътибор берилади. Унда илмий-техника тараққиётининг энг охирги ютукларидан оқилона фойдаланилади.

1996 йил 2 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон олимпия шон-шуҳрати музейи очилди. Мазкур музей очилишида Ўзбекистон республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ва ўша пайтда Осиёда ягона ва ноёб бўлган олимпия музейининг очилиш маросимида X.А. Самаранч катнашди. Йигилганлар олдида И.А.Каримов сўзга чиқиб, янги музей нафақат экспонатларни намоиш килиш жойи, балки, Ўзбекистонда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази бўлиши, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга катта хисса қўшиши лозимлигини

таъкидлаб ўтди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов X.А. Самаранчга олимпия харакатини ривожлантириш, давлатлараро ҳамкорлик, ҳалклар ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ўзоро муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон хукуматининг юксак мукофоти “Буюк хизматлари учун” орденини топширди.

ХОҚ президенти жавоб нутқида бу юксак мукофотни ҳалқаро олимпия кўмитасининг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, спортни ривожлантиришга кўшган хиссасини тан олиш сифатида қабул қилаётганлигини таъкидлаб ўтди. “Президент И.А.Каримов такидлади у, спортнинг жамият ҳаётидаги ўрнига катта эътибор қаратди. Шунинг учун ҳам сизнинг давлатингизда спорт тез суратда ривожланмоқда. Мен ишонаманки музей Ўзбекистонлик спортчилар турли жаҳон мусобакаларида кўлга киритадиган медаллар билан тўлдириб борилади.

Экспонатларни кўздан кечириш давомида X.А. Самаранч шундай фикр билдириди, ушбу музей Лозаннадаги олимпия шон-шуҳрат музейидан колишадиган жойи йўқ. Ҳақикатдан ҳам бу ерда кимматбаҳо экспонатлар кўп бўлиб, улар нафакат Ўзбекистон, балки олимпия харакати, миллий спорт турлари тарихи ҳамда Ўзбекистон спорти анъаналари тўғрисида хикоя қиласи.

Музейнинг кимматбаҳо экспонатлари бу – Президент И.А.Каримов совға қилган ҳалқаро спортни ривожлантиришга кўшган хиссаси учун тақдирланган мукофотлари; ХОҚнинг олтин олимпия ордени, Осиё олимпия кенгашининг Олтин Олимпия ордени, Ҳалқаро хаваскорлик кураш федерациясининг “Олтин маржони” музейда марказий ўринни эгаллади.

✓ Республикаизда олимпия харакатини ривожлантиришда, ҳар томоннама баркамол авлод тарбиялашда уч босқичли оммовий спорт мусобакалари “Умид нихоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” тизими яратилди.

Мамлакатимиз президенти ташаббуси билан ҳаётга жорий қилинган ушбу тизим баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда бекиёс аҳамият қасб этади. Бу тизим мусобакаларида

иштирок этган ўкувчи ва ёшларга нафакат жисмоний, балки, маънавий ва интелектуал жихатдан хам камол топади.

Миллий спорт турлари ва олимпиада спорт турларидан иборат бўлган Уч боскичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобакалари тизими кичик олимпиада деб ном олган мусобакалари олимпизм гояларини, тамойилларини, харакатини ташвиқот ва тарғибот килишда катта аҳамият касб этмоқда.

Ўкувчи ёшларини хар томонлама баркамол тарбиялашда олимпия таълимининг инсонпарварлик, ҳалоллик, олимпиада маданияти, кадрияти, олимпизмнинг гуманистик гояларини ва билимларини шакллантириш самарали тизими мухим аҳамиятга эга.

Олимпизмнинг асосий тамойиллари билан куроллантириш, олимпия харакатларига кўмаклашиш инсоннинг демократик хуқукларидан бири, спорт билан шугулланиш, унга керакли шарт – шароитларни вужудга келтиришда раҳнамолик килиш;

хар бир инсонга спорт билан шуғулланишга кўмаклашиш;

инсонларни (хар жихатдан) камситишнинг барча хилдаги қўринишларига барҳам бериш;

олимпия харакатига алоқаси бор хар бир мамлакат ёки шахс Олимпия Хартияси коидаларига риоя килиши ва халқаро Олимпия кўмитасини тан олиши зарур.

Олимпизм – жамиятда тинчлик яратиш орқали инсонни қадр – қийматини юкори погоналарга кўтаришдан иборат. Замонавий Олимпизм жамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутади, одамларнинг турмуш тарзига жиддий таъсир ўтказади ва уни шакллантиради, одамнинг спорт фаолияти тарзини вужудга келишида ас котади. У дунё бўйича катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий фармация тарзida тан олинган бўлиб, унда инсонпарварлик кадриятлар ва одамларнинг тинчликка, ҳамжихатликка ва ўзаро бир-бирини тушунишга бўлган хошиллари, интилишлари ўз ифодасини топган.

Олимпия таълим тизимини яратиш ва ташвиқот ва тарғибот қилиш жараёнида ўкувчи-ёшларни олимпизм идеаллари ва қадриятлари билан таништириш, келажак авлодни тарбиялаш ва ўқитишга катта эътибор бериш. Олимпия ўйинлари, олимпия ҳаракати тарихи, олимпизмнинг гуманитар гоялари ва қадриятлари тўғрисидаги билимларни шакллантириб борилади.

Ўкувчи ёшларга олимпия таълимининг педагогик самарали тизимини яратиш учун.

1. Уларни спортга бўлган қизикиши, спорт машғулотларига бўлган талаб, спортдаги натижа, мусобакаларда ғалабага бўлган интилишни шакллантириш.

2. Ўкувчи-ёшларни турли йўналишдаги жисмоний тарбия ва спорт фаолиятига жалб қилиш.

3. Олимпия таълими жараёнида маънавий ва маърифий тарбия масалаларига эътибор қаратиш, ёшларда юксак маънавий қадриятлар, зарур бўлган кўрсатмалар хамда спорт фаолияти билан шуғулланиш сабабларини тарбиялашда ёрдам беради.

4. Олимпия таълим тарбиясида нафакат тарихий саналар, фактлар, олимпия чемпионларини билиб олиш, балки ёшларни спортга фаол жалб қилиш, уларни ўз рекордларини ўрнатишга бўлган интилишни ривожлантиради ва биринчи навбатда ўз устидан ғалаба қозонишга ўргатади.

Республикамида мавжуд жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритаётган ходимларни қайта таёrlаш ва малакасини ошириш институтлари ва марказларида ўкиётган тингловчиларнинг ўкув дастурига Олимпия билим асосларини ўргатиш маъruzасини киритиш мақсадга мувофик бўлади. Олимпия ҳаракати ва олимпизм гояларини ўкувчи - ёшларга етказишнинг энг самарали йўлларидан биридир

Ўкувчи-ёшлар учун миллатни согломлаштириш ва уларни спортга юксак натижаларга эришишга интилишига замин яратиш учун олипияда ғолиблари ва совриндорлари ҳакида кўпроқ маълумотлар тўплаб Олимпия ҳаракатини ривожлантириш ва унинг гоясини тағибот қилиш учун олимпиада ўйинлари

дастурларидан ўрин олган спорт турлари ҳакида ўкувчи ёшларга етказиш бўйича таълимиинг самарали тизими ишлаб чиқилиб таълим муассасалари ўкув дастурига киритишни амалга ошириш, “Олипиядачилар орамизда”, “биз Олимпиадачилармиз” шиори остида, Олимпиада катнашчилари ва мураббийлари билан давра сухбатлари, олимпиада дарслари, олимпия билимдонлари танлови, олимпиада дакикалари, олимпиада куни, олимпиада ҳакида слайдлар, видео ролик ва фимлар, олимпиадага оид фотолавхалар, олимпиада ҳакида расмлар танлови, таникли спортчилар, олимпиада чемпионлари ва иштирокчилари билан учрашувлар, “Fair play”, “Citius, altius, sortius” шиорлари остида эстафетали ўйинлар ташкил этиш ҳам таргигботнинг мухим воситасидир.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конуни “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” 2015 й. 5 сентябрь.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994.- 300 б.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”, 2008.
5. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти. Т.:2005.
6. Ахматов М.А. “Ўзбекистонда жисмоний интеллектуал - ресурс тушиунчасини шакллантириш асослари” //Фан спортга. Тошкент. 3/2016. 29-336.
7. Касоева Т.В. “Ресурс здоровья в функционирования человеческого капитала”Автореферат. 2007.
8. Нормуродов А., Моргунова И. Олимпийские игры. Noshir. Т.: 2011.
9. Платонов В.И. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Киев. “Олимпийская литература”. 2004.
10. Правда востока Т.: 1996 г. 3 сентябрь.
11. Ҳамракулов А.Қ. ва бошқ. Олимпия билим асослари. Т. Шарқ. 2002.
12. Юнусова Ю.М. Физическая культура в общеобразовательных школах республики Узбекистан. 2004.
13. Salomov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati. Toshkent. 2014.
14. Sportnauka.org.ua

## **МУНДАРИЖА**

КИРИШ .....	3
Ўқувчиларини жисмоний тарбиялашнинг ахамияти .....	5
Ўқувчиларини жисмоний тарбиялашда машғулот шакллари .....	7
Мактабдан ташқари муассасаларда жисмоний тарбия машғулотларини шакллари .....	14
Оиласда жисмоний тарбия машғулотлари шакллари .....	15
Олимпия таълимининг шакллари ва методлари .....	16
Фойдаланилган адабиётлар.....	28

